

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАҲАРЛАР ВА
БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАСИДА
ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИНИНГ МУХАНДИСЛИК-ТЕХНИК
ТАДБИРЛАРИ БЎЛИМИНИНГ ТАРКИБИ, ИШЛАБ ЧИҚИШ
ТАРТИБИ, ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАР БИЛАН КЕЛИШИШ
ВА ТАСДИҚЛАШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

ШНК 1.03.11-07

РАСМИЙ НАШР
(ЎЗБЕКЧА-РУСЧА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚУМИТАСИ
ТАШКЕНТ 2007

ШНҚ 1.03.11- 07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир йўриқнома». Ўзбекистон Республикаси Давархитеккурулиш – Тошкент, 2007 й.

Ишлаб чиқарувчи: «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ОАЖ (т.ф.н., А.К.Бахтияров, етакчи мух. Н.Ф.Сидельникова, арх.док., Х.К.Турсунов), ТАҚИ (арх.н.,С.Т.Турсунов, т.ф.н., А.Т.Хотамов), ЎЗР ФВВ (г-м.ф.н., А.К.Нўрхужаев).

ЎЗР ФВВ, ЎЗР ИИВ ЁХББ, ЎЗР соғлиқни сақлаш Вазирлиги билан келишилган.

Тасдиқлатишга: Давлатархитеккурулишнинг архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси: Шоназаров Ш.Т., Дуваджиева З.А. лар томонидан тайёрланган.

Таржимон: А.Т. Хотамов.

ШНҚ 1.03.11- 07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир йўриқнома» амалга киритилган ондан бошлаб Давлатфуқарокурулишнинг ВСН ГО 38-83 «Туман режасининг схемалари ва лойиҳаларида, шаҳарлар, поселкалар ва қишлоқ тураржойларининг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир йўриқнома» ўз кучини йукотади.

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитеккурулиш рухсатисиз тўлиқ ёки қисман ишлаб чиқилиши, нашр қилиниши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Архитектура ва курулиш бўйича	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 1.03.11 – 07
----------------------------------	---------------------------------------	------------------

Ўзбекистон Республикаси Давлат Кумитаси (Давархитеккуруилиш)	Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома	ВСН ГО 38-83 ўрнига Давфуқарокуруилиш
-----------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------

УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1. Мазкур Йўриқнома Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини, туманларни режалаш лойиҳаларида, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг бош режаларида, шаҳар (туман) саноат зоналарининг режалаш лойиҳаларида, шаҳарда тураржойларнинг, тураржой пунктларининг ёки функционал зоналарнинг бир қисмини батафсил режалаштиришда, микро-районларни, кварталларни, тураржой мажмуаларини ёки бинолар гуруҳларини қуриш лойиҳаси схемаларида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик техник тадбирлари (ФМ МТТ) махсус бўлимини тавсиявий таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли жойлар билан келишиш ва тасдиқлаш талаб ва қоидаларини акс эттиради.

Йўриқнома талаблари қайси давлат идорасига тегишлилигидан қатъий назар барча корхона ва муассасалар учун мажбурийдир.

жатларни ишлаб чиқишда мос равишдаги қонуний далолатномалар ва меъёрий ҳужжатлардан, жумладан, ҚМҚ 2.01.17-95 «Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар. Муҳандислик-техник тадбирлар»дан фойдаланиш зарурдир.

1.3. Шаҳарсозлик режалаштиришда фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари маҳаллий органлар ва ФВВ топшириги бўйича алоҳидаги лойиҳа шаклида ишлаб чиқилади. Бошқа шаклдаги лойиҳавий ҳужжатларда эса лойиҳа бўлими шаклида ишланади.

1.4. ФМ МТТ бўлими Иловада келтирилган шаклларга мос равишда буюртмачи томонидан бериладиган ва ФМнинг тегишли ҳудудий бошқармалари томонидан келишилган лойиҳалаш учун бирламчи маълумотлар асосида бажарилади.

Эслатма: 1. Кейинги ўринларда Кўрсатмада «фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирларининг махсус бўлими» ўрнига «ФМ МТТ бўлими»

«Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва куруилиш кумитасининг 2007 й. 14 март 33-сон буйруғига асосан тасдиқланган	Амалга киритиш муддати 2007 й. 1-май
-------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------

1.2. Мазкур Йўриқномада кўзда тутилган лойиҳавий ҳуж-

теримни қулланилади.

2. Тасдиқланган лойиҳавий-режалтириши ишлари учун ФМ МТТ бўлими

қўшимча топириқ асосида ишлаб чиқилади.

3. Шаҳар (ёки саноат туман) лойиҳавий режасининг ФМ МТТ махсус бўлимини ишлаб чиқиш учун топириқ тегишли хокимиятлар томонидан берилиб, ФМ нинг худудий бошқармалари билан келишилади.

4. Саноат корхоналари лойиҳалари таркибидаги «Тураржой-фуқаро қурилиши» бўлими учун мухандислик-техник тадбирлар ишлаб чиқишида ушбу Йўриқноманинг 5- ва 6- қисмларидан фойдаланиш лозим.

2. ВИЛОЯТ ВА ТУМАН ХУДУДЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

2.1. Халқ хўжалиги тармоқларининг, ишлаб-чиқариш инфраструктурасининг, аҳолини меҳнат фаолиятининг бирлиги ва харбий вақтларда хизмат кўрсатишга асосланган аҳолини жойлаштириш тизимларини барқарор фаолиятини таъминлашни кўзда тутувчи Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини режалаш схемаларида, туман (туман гуруҳлари) ни режалаш лойиҳасида худудларнинг рационал режалашни ташкил этишни ишлаб чиқиш ФМ МТТ бўлимининг асосий вазифаси бўлиб хисобланади.

Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини режалаш схемаларида, туман (туман гуруҳлари)ни режалаш лойиҳасида маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ФМ МТТ бўлимининг вазифаси хар бир алоҳидаги ҳолатда ФМ МТТни лойиҳавий ечимларни вариантли ишлаш билан комплекс ёндошувда аниқлаштирилади.

2.2. Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини режалаш схемаларида, туман (ту-

ман гуруҳлари) ни режалаш схемаларида мухандислик-техник тадбирлари, харбий вақтларда Ўзбекистон Республикасидаги халқ хўжалиги мажмуалари, худудий саноат мажмуалари фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган принципиал ечимларни акс эттириш лозим.

Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини режалаштириш схемалари ФМ МТТ бўлимида шаҳардан ташқаридаги ўзаро боғлиқ бўлган халқ хўжалигининг асосий объектларини комплекс жойлаштириш бўйича худудни функционал зоналаштириш, вилоятнинг аҳоли пунктлари ва транспорт-мухандислик қурилмаларни, аҳоли пунктларининг ривожланиш миқёсларини аниқлаган ҳолда аҳолини кўчириш, аҳолини муҳофаза қилиш ва хаётий фаолиятини таъминлаш, жумладан, эвакуация тадбирлари натижасида келган аҳолини хисобга олган ҳолдаги тадбирлар бўйича ечимлар асосланади.

2.3. Туман (туман гуруҳлари) ни режалаш лойиҳасида ФМ МТТ бўлими туман режаси схемасининг ФМ МТТ бўлимига киритилган ечимларга асосланиб, харбий вақтларда аҳолининг хаётий фаолияти ва муҳофазасини, туманларни барқарор фаолиятини таъминлашга йўналтирилган аниқ ечимларни акс эттириш лозим.

Туман (туман гуруҳлари) ни режалаш лойиҳасида ишлаб чиқилган мухандислик-техник тадбирлар тураржой пунктларининг бош режаларини, умумий объектларга эга саноат корхоналари гуруҳининг, курортлар, дам олиш ва туристик мажмуалар, туман ахамиятидаги

ташқи транспорт ва мухандислик коммуникациялари ФМ МТТ бўлимини тузишда асос бўлиб хизмат қилади.

2.4. Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаш схемаларида, мухандислик-техник тадбирларининг чизма материаллари қуйидаги тартибда ишлаб чиқилади:

1. Иқтисодий туманлар тизимидаги лойиҳаланаётган ҳудудларни жойлаштириш схемаси 1:1000000-1:500000 миқёсда бўлиб, унда ёндош вилоятлар, тоифалаштирилган шаҳарлар ва объектлар чегаралари, улардаги вайрон бўлиши эҳтимоли мавжуд зоналари, радиоактивлик даражаси юқори бўлиши мумкин бўлган зоналар, ҳалокатли сув босиш, умумдавлат ва регионал ахамиятга эга бўлган транспорт ва мухандислик коммуникациялари тармоқлари кўрсатилади.

2. Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаш схемалари асосий чизмадаги лойиҳа ечимларида акс этган лойиҳавий режа 1:300000-1:100000 миқёсда бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

а) эҳтимол бўлган кучли ва кучсиз вайронгарчилик зоналари; радиоактивлик даражаси юқори бўлиши, ҳалокатли сув босиш эҳтимол бўлган зоналар; силжиш, сел ва карст тарқалувчи зоналар; эпидемиологик ва эпизоотологик табиий учоқлар ва мажмуалар; аҳолини тарқатиш ва эвакуация қилиш зоналари; материал-техник таъминот ва озиқ-овқат заҳиралари ва ҳ.к. заҳиралар базалар ва омборхоналари жойлашадиган зоналар;

шаҳардан ташқарида жойлашадиган база ва омборхоналар, жумладан, қайтатиклаш ишларини ўтказиш учун; узоқ вақт ва мавсумий дам олиш зоналари;

б) тарқатувчи туман марказларини ажратиб кўрсатган ҳолда, аҳолини тарқатувчи ва эвакуация қилувчи зоналарни шакллантирувчи туман аҳоли жойлашиши тизими, эвакуация туманларидаги аҳолини қабул қилишнинг асосий пунктлари;

- аҳоли пунктларида саноат ва тураржой ҳудудларининг заҳиралари;

- иқтисодий истиқболли мавжуд кичик ва ўрта шаҳарлар;

- янги ёки мавжуд саноат тугунларини, аграсаноат мажмуалари ва бирлашмаларни жойлаштириш учун тавсиялар; харбий вақтларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган туманлар;

- чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича давлат мажмуаларини жойлаштириш;

- қурилиш индустриясининг туман ва туманлараро базаларини сақлаш ва жойлаштириш учун тавсиялар;

- сув ҳавзаларини сақлаш зоналари ҳамда бошқа махсус ахамиятга эга бўлган ҳудудлар, жумладан, тоғ-кон ишланмалари;

в) харбий вақтларда туман ҳудудий-саноат мажмуаси фаолиятини барқарорлигини таъминловчи транспорт, мухандислик-коммуникациялари ва иншоотлари, жумладан:

- умумдавлат, регионал ва маҳаллий ахамиятдаги темир-йўллар, автомобил йўллари;

- фаолияти сақланадиган ва лойиҳаланаётган аэродромлар, учиш-қўниш полосалари, бандаргоҳлар;

- энергия таъминоти, нефт-, газ-, маҳсулотлари тармоқлари, сув таъминоти трассалари;

г) мамлакат иқтисодида алоҳида аҳамиятга эга бўлган жорий фойдаланишдаги ва фойдаланишга тайёрланган табиий ресурслар, харбий вақтларда туман ҳудудий-саноат мажмуасининг фаолияти.

Эслатма. Зарур ҳолларда қабул қилинган лойиҳа ечимини асословчи схема ишлаб чиқилади: харбий вақтларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кучларини, транспорт алоқаларини, сув таъминотини, канализацияни, энергия таъминотини, газ таъминотини, аҳолини жойлаштиришни, аҳолига тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни ихтисослаштириши, дам олиш масканларидан тоифалаштирилган шаҳарлардан эвакуация қилинган ва тарқатилган аҳолини жойлаштиришида фойдаланиши.

2.5. Туман (туман гуруҳлари)ни режалаш лойиҳаси ФМ МТТ бўлимининг чизма материаллари куйидаги таркибда ишлаб чиқилади:

1. Чегарадош маъмурий туманларнинг, аҳолисини тарқатиш ва эвакуация қилиш тавсия қилинган туманлар, тоифалаштирилган шаҳарлар ва эҳтимол бўлган кучли ва кучсиз вайронгарчилик зоналари, радиоактивлик даражаси юқори бўлиши ва ҳалокатли сув босиши эҳтимол бўлган зоналар, туман марказлари, ва бошқа аҳоли пунктларининг; тоифалаштирилган шаҳарларнинг аҳолисини тарқатиш ва эвакуация қилиш тадбирларини амалга оширишни ва харбий вақтларда туман фаолиятини таъминловчи туман ва маҳаллий транспорт,

муҳандислик коммуникацияси ва иншоотларининг таянч ва лойиҳавий тармоқ объектлари кўрсатилган ҳолда 1:500000 - 1:100000 миқёсдаги туман тизимидаги лойиҳаланаётган ҳудудларнинг жойлашиш схемаси.

2. Туман (туманлар гуруҳи) режасининг асосий чизма лойиҳаси лойиҳавий ечимига эга бўлган 1:100 000-1:25 000 миқёсдаги режавий лойиҳасида:

а) эҳтимол бўлган кучли ва кучсиз вайронгарчилик зоналари, радиоактивлик даражаси юқори бўлиши ва ҳалокатли сув босиши эҳтимол бўлган зоналар, силжиш, сел, карст тарқаладиган зоналар; эпидемиологик ва эпизоотологик табиий учоқлар ва мажмуалар; аҳолисини тарқатиш ва эвакуация қилиш тавсия қилинган туманлар, узоқ вақт ва мавсумий дам олиш масканлари.

Эслатма. Радиоактивлик даражаси юқори бўлган зоналар - бу, бузилиши эҳтимол бўлган зонанинг чегарасидан 20 км радиусдаги ҳудуддир.

б) саноат ва тураржой ҳудудларининг заҳираларини кўрсатган ҳолдаги ҳудуд режасини ташкил этиш, жумладан:

- ҳар бир аҳоли пунктларида тарқатилган аҳолини қабул қилиш имконияти кўрсатилган ҳолдаги тарқатувчи туман аҳоли пунктлари бўйича;

- ҳар бир аҳоли пунктларида эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш имконияти кўрсатилган ҳолдаги эвакуация қилувчи туман аҳоли пунктлари бўйича;

- аҳолини тарқатиш ва эвакуация қилиш учун тавсия қилинган туманларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари, жумладан,

эвакуация тадбирлари натижасида келган аҳолини ҳисобга олган ҳолда тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш;

- эвакуация тадбирлари натижасида келган аҳолини ҳисобга олган ҳолда курорт зоналари ва дам олиш масканлари ҳамда харбий вақтларда кўчирилиши лозим бўлган тиббий муассасалардаги ўринлар сони;

- янги саноат тугунлари мажмуалари ва бирлашмаларни жойлаштириш ёки мавжудларини ривожлантириш учун тавсия қилинган ҳудудлар;

- аҳолига хизмат қиладиган саноат-тарқатув базалари (корхоналарнинг ҳудудий жамланган гуруҳлари ва мажмуалари);

- харбий вақтларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хўжалик ва хўжаликлараро чегарларнинг зоналари;

- тоифалаштирилган шаҳарлар аҳолисининг пиёда эвакуация қилиш бўйича тавсия қилинувчи йўналишлари, кичик ва катта йиғув пунктларининг жойлашуви;

- махсус аҳамиятга эга ҳудудлар, ҳамда санитар вазиятлар (мавжуд ва лойиҳаланувчи анфелоген сув ҳавзалари, оқава сувлар қуйиладиган жойлар, тозалаш иншоотлари, чиқиндилар йиғиладиган жойлар, ҳайвонлар кўмиладиган жойлар, радиоактив чиқиндилар чиқариладиган ва кўмиладиган жойлар; ботқоқликлар ва бошқа санитар талабларга жавоб бермайдиган ҳудудлар);

в) харбий вақтларда ҳудудий-хўжалик мажмуаларининг барқарор фаолиятини оширишга йўналтирилган тоифалаштирилган шаҳарлар-

дан чиқаришни ва янги саралаш станциялар ва ҳаракатланувчи таркибларнинг янги заҳирадаги масканлари аэродромлар, бандаргоҳлар, пасайтирувчи станциялар, газ тақсимлаш станцияларини кўчириш тавсияси кўрсатилган тоифалаштирилган шаҳарлар ва объектларнинг вайронгарчиликлар бўлмайдиган зоналаридан утувчи транспорт, муҳандислик коммуникацияси ва иншоотларининг туманлараро ва туман тармоқлари;

г) материал-техник, озиқ-овқат ва бошқа заҳиралар базалари ва омборхоналари жойлашган жойлар ҳамда транспорт кириш йўллари кўрсатилган авария-тиқлов ишларини утказишни таъминловчи омборхоналар;

д) тоғ-кон ишланмалари ва бошқа ер остидан фойдаланиш жойлари;

е) харбий вақтларда туман ва унинг ҳудудий-хўжалик мажмуаси учун муҳим бўлган, фойдаланилаётган ва фойдаланишга тайёрланган табиий ресурслар кўрсатилади.

Эслатма. Зарур ҳолларда лойиҳани асословчи ва деталлаштирувчи ечим ишлаб чиқилади. Ушбу материалларнинг руйхати ва миқёси лойиҳа топширигида ўрнатилади. Схемаларни имкони борича бирлаштириш зарур.

2.6. Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаш схемаларида, туман (туман гуруҳлари) ни режалаш лойиҳаси ФМ МТТ бўлимининг лойиҳавий режасида саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш ва кўмиш учун ҳудудлар ажратилади.

2.7. Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаш схемаларида, туман (туман гуруҳлари) ни режалаш лойиҳаси

ФМ МТТ бўлимининг тушунтириш хати таркибида қуйидагилар бўлиши лозим:

а) фуқаро муҳофазасида муҳандислик-техник тадбирлари лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари;

б) халқ хўжалиги объектларига, аҳолининг ҳаётий фаолиятига, ҳудудлардан фойдаланиш фаолиятига эҳтимолӣ таъсир кўрсатувчи воситалар таъсири асоратларини таҳлил натижалари ҳамда туманни, унинг ҳудудий-саноат (хўжалик) мажмуаси фаолиятининг барқарорлигини ошириш бўйича тавсияларни асослаш ва кўриб чиқилган вариантларни таққослаш натижалари;

в) аҳоли пунктларида, тарқатилган ва эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун тураржой-фуқаро қурилиши ҳажмини дам олиш уйлари, санаториялар, йил давомида фойдаланиладиган болалар муассасалари, пансионатлар, мактаб-интернатлар, касалхоналар, дала ҳовли ва боғ уйларида фойдаланган ҳолда ҳисоблаш;

- зарурий муҳофаза иншоотларини ҳисоблаш, шу жумладан, эвакуация тадбирлари натижасида келиб қушилган аҳолини ҳисобга олган ҳолда;

г) қуйидагилар бўйича тавсияларни асослаш:

- мавжуд ва умумий коммуникацияга, муҳандислик иншоотларига ва тоифалаштирилган шаҳарлар филиалларини, корхоналарни жойлаштиришга, бундан ташқари маҳаллий буйсунишдаги саноат корхоналари жойлашган иқтисодий истиқболли кичик ва ўрта шаҳарлар базасида ривожланига эга

бўлган янги саноат тугунларини шакллантиришда вайронгарчиликлар эҳтимоли бўлмайдиган зоналарда ривожланиши кўзда тутилган тоифалаштирилган шаҳарлар, объектларнинг саноат зона (туман)ларидаги корхоналарни тарқатиш;

- харбий вақтларда туманнинг ҳудудий-саноат мажмуаси фаолиятини таъминловчи, тоифалаштирилган шаҳарларнинг эвакуация қилинган аҳолисини меҳнат бандлигини таъминловчи хўжалик ва хўжаликлараро ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ва фермер хўжаликларини шакллантириш;

- тоифалаштирилган шаҳарларда туман саноат (хўжалик) мажмуасининг барқарор фаолияти ва аҳолини муҳофазасини таъминлашни ҳисобга олувчи янги саноат корхоналарни, илмий муассасаларни жойлаштириш.

Эслатма. Янги саноат корхоналарини жойлаштириш, мавжудларини реконструкция қилиш ва шўьбалаштириш бўйича тавсияларни асослаш Давархқурилиш, вазирликлар ва идораларнинг тармоқ институтларини жалб этиш билан бажарилади;

- харбий вақтларда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фаолиятини барқарорлигини ошириш, туманлар ва фермер хўжаликларини ихтисослаштириш;

- харбий вақтларда чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш бўйича уларни ихтисослаштириш, озуқа етказувчи манбалар ва уларнинг ҳажмини ҳисоблаган ҳолда давлат, ширкат ва фермер хўжаликларини, хўжаликлараро мажмуаларни жойлаштириш;

- харбий вақтларда шаҳардан ташқари зоналардаги ширкат ва

фермер хўжаликларига хизмат қилувчи ишлаб чиқарувчи-тарқатувчи базалар (корхоналарнинг худудий жамланган гуруҳ ва мажмуалари) ни жойлаштириш;

- харбий вақтларда туманнинг худудий-ишлаб чиқариш (хўжалик) мажмуаси фаолиятини таъминловчи туман транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ёрдамчи тармоқлар билан таъминлаш;

- ҳалокатли сув босиш эҳтимоли бўлган зоналардан ташқарида янги тураржой ва саноат объектларини жойлаштириш;

- тарқатилган ва эвакуация қилинган аҳолини ҳисобга олган ҳолда аҳоли ўртасида тиббий ва маиший хизматни ташкил этиш;

- тарқатилган ёки эвакуация қилинган аҳоли сони кўрсатилган ҳолда улар учун узоқ муддат ва мавсумий дам олиш масканларидан фойдаланиш;

- аҳоли муҳофазасини таъминлаш ва саноат объектларини, омборхоналарни, базаларни жойлаштириш учун тоғ-кўн ишланмалари ва ер ости худудидан фойдаланиш;

- зарарли бўлган саноат чиқиндиларини (шу жумладан, радиоактив) зарарсизлантириш, кўмиш учун худудлар ажратиш;

- комплекс эпидемиологик ва эпизоотологик тадбирлар.

2.8. Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини режалаш схемаларида ФМ МТТ бўлимининг тушунтириш хати таркибида, 2.7 баннда келтирилганлардан ташқари қуйидаги тавсияларни асосномалари бўлиши лозим:

- аҳолини тарқатиш ва эвакуация қилиш зоналарини аниқлаш;

харбий вақтларда дам олиш масканларини, госпитал тармоқларини кўчириш ишларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолини тарқатиш ва эвакуация йўналишлари бўйича аҳоли пунктларидаги тарқатилган ва эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш ҳақида тураржой фонди;

- туман худудий-саноат мажмуаси фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш учун материал-техник, озиқ-овқат ва бошқа захиралар базалари, омборхоналарини жойлаштириш зоналарини аниқлаш.

2.9. Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаш схемалари ФМ МТТ бўлимининг тушунтириш хатида, 2.7 баннда келтирилганлардан ташқари қуйидаги тавсияларни асосномалари бўлиши лозим:

- аҳолини тарқатиш ва эвакуация қилиш туманларини аниқлаш бўйича; ҳар бир алоҳидаги тарқатиш ва эвакуация қилиш тумани аҳоли пунктларининг тураржой фонди баланси;

- туман худудий-саноат мажмуаси фаолияти барқарорлигини ва аҳолини ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун материал-техник, озиқ-овқат ва бошқа захиралар базалари ва омборхоналарини жойлаштириш бўйича.

2.10. Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаш схемалари ФМ МТТ бўлимида 2.5-2.7 ва 2.9 баннда келтирилганлардан ташқари, харбий вақтларда туман фермер хўжаликлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш бўйича вариантли ечимларни тузиш асосида қуйидаги тавсиялар асосланади:

- марказий ва бошқа аҳоли хўжаликларни ўлчамлари ва уларни

жойлаштиришни аниқлаш, жумладан, эвакуация тадбирлари орқали келган аҳолини хисобга олган ҳолда;

- таъмирлаш-техник станциялари ва таъмирлаш-эвакуация базалари объектларининг хизмат кўрсатиш зоналарини аниқлаш;

- туман аҳамиятидаги саноатни жойлаштириш – қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича корхоналар, тайёрлов пунктлари, жумладан, хўжалик ва хўжаликлараро аҳамиятдаги;

- туман, хўжаликлараро ва хўжалик аҳамиятидаги маданий-маиший, даволаш-профилактик ва санитар муассасалар (мактаблар, мактаб-интернатлар, касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхоналар, амбулаториялар, савдо муассасалари);

- ветеринар-даволаш муассасаларини жойлаштириш (туман ветеринар даволаш жойлари, амбулаториялар, ветеринар-фельдшер пунктлари);

- хўжаликлараро ва хўжаликларни хисобга олган ҳолда, йўл тармоқларини реконструкцияси бўйича тадбирларни аниқлаш;

- ёнилғи-энергетик ресурслардан фойдаланиш бўйича тадбирларни аниқлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктлари ва уларнинг ишлаб-чиқариш мажмуаларини электр таъминоти билан таъминлаш тавсиялари билан туман ва туманлараро аҳамиятга эга бўлган электр станцияларини қуриш учун;

- сув сақлаш жойини аниқлаш ва марказлаштирилган сув таъминоти тизимини ташкиллаштириш ва бошқа турдаги муҳандислик ободонлаштириш ишлари.

Бўлимда, харбий вақтларда қурилиш материалларини ва ашёларини маҳанизациялаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича туман ва хўжаликлараро қурилиш ташкилотлари ва корхоналарини ташкил қилиш ҳақида саволлар кўриб чиқилади.

3. ШАҲАРНИНГ, ШАҲАР ПОСЕЛКАЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАСИ

3.1. Бош режанинг ФМ МТТ бўлими – аҳолининг ҳаётий фаолиятини ва уларни химоя қилишни таъминлаш, қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган авария-қайта тиклаш ишлари, транспорт ва муҳандислик тизимлари ва қурилмалари, шаҳар (туман) саноат зоналари фаолиятининг барқарорлигини ошириш бўйича тадбирлар мажмуасини аниқловчи асосий ҳужжатдир.

3.2. ФМ МТТ бўлими бош режанинг икки босқичда бажариладиган техник-иқтисодий асослаш босқичида, ҳамда бир босқичда бажариладиган шаҳарларнинг бош режасида ишлаб чиқилади. Тоифалаштирилган шаҳарлар бош режаси учун ФМ МТТ бўлими меҳнат фаолиятларини «муҳим даврларда» давом эттираётган корхоналар ва ташкилотлар ҳаётийлик даражалари ва бир маромда ишлашини таъминловчи фуқаро муҳофазасининг барча зарурий тадбирларини назарда тутди. Тоифалаштирилмаган шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ тураржойлари бош режалари учун мазкур бўлим буюртмачи топшириғига асосан мос равишдаги ФВВ (ФВБ) лар билан келишилган ҳолда бажарилади.

3.3. Бош режа бўлимининг чизма материаллари куйидаги таркибда ишлаб чиқилади:

1. Фуқаро муҳофазаси шартларига кўра ажратилиб лойиҳаланаётган шаҳарнинг жойлашиш схемаси аҳолисининг ҳисобий сони 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар учун 1:25000 миқёсда, аҳолисининг ҳисобий сони 100 минг кишидан кам бўлган шаҳарлар учун 1:10000 – миқёсда бажарилади.

Жойлашиш схемасида маъмурий туманларнинг чегаралари кўрсатилади; тоифалаштирилган шаҳарлар ва объектларнинг мумкин бўлган кучли ва кучсиз вайрон бўлиш зоналари; ҳалокатли сув босадиган, радиоактивлик даражаси юқори бўлиши мумкин булган зоналар. Шаҳар ва тураржой пунктлари худудларининг чегаралари, транспорт, муҳандислик коммуникациялари ва иншоотларининг таянч ва лойиҳавий тармоқлари, ўзоқ вақт ва мавсумий дам олиш масканлари, аҳолини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тўплаш ва эвакуация қилиш марказлари аниқланади.

2. Аҳолисининг ҳисобий сони 250 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар лойиҳавий режаси 1:10000 миқёсда; аҳолисининг ҳисобий сони 250 минг кишидан кам бўлган шаҳарлар эса 1:5000 миқёсда бўлиб, уларда куйидагилар кўрсатилади:

- шаҳарнинг режавий туманлари, саноат-тураржой туманлари, ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш ходимларининг сони кўрсатилган ҳолда саноат зона (туман)лари; ёнилғи-мойлаш ашёлари ва кучли таъсир қилувчи захарли моддалар омборхоналари; аҳоли сони кўрсатилган ҳолда тураржой туман-

лари; кўча ва йўллар тизими, жумладан, «сарик чизик» билан қушилган эвакуация оқимини йиғиш, тарқатиш ва бу фаолиятни барқарорлигини таъминловчи магистраллар; аҳолини йиғиш, руйхатдан утказиш ва тарқатиш эвакуация пунктларини жойлашган жойи; химоя иншоотларининг жойлашган жойлари; «сарик чизик» режасида акс эттирилган шаҳар кўча тармоғи.

3.4. Вайрон бўлиши мумкин бўлган зоналарда жойлашган тоифалаштирилган ва тоифалаштирилмаган шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ тураржойлари бош режаси ФМ МТТ бўлимининг техник-иктисодий кўрсаткичлари билан биргаликдаги тушунтириш хати, ҳарбий вақтларда шаҳар, тураржой пункти фаолиятини барқарорлигини таъминлаш бўйича вариантли ишланмалар асосида лойиҳавий таклифларни асосномаларини ўзида акс эттириш керак, жумладан:

а) шаҳар, тураржой пунктлари аҳолисининг сони; фуқаро муҳофазасининг маҳаллий органлари маълумотларига асосан, шаҳарда шаҳар ташқарисига тарқатилиши ва эвакуация қилиниши лозим бўлган аҳоли сони;

б) аҳолини шаҳардан эвакуация қилиш ҳисоби; шаҳар бўйича аҳолини йиғиш вақти ва радиусига боғлиқ бўлган эвакуация-йиғув пунктларининг сони, сифими ва жойлашуви;

в) вайрон бўлиши мумкин бўлган зоналардан аҳолини кўчириш бўйича тавсиялар; шаҳарда ишлайдиган сменадаги ишчи ва хизматчиларнинг энг кўп сони учун уларни тарқатилаётган туманлар

билан транспорт алоқасини таъминлаш;

г) шаҳар ер ости фазосини тўлиқ ўзлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда, шаҳар аҳолисини муҳофаза қилиш учун ҳимоя иншоотларининг сиғимини ҳисоблаш;

д) тоғ-кон ишланмаларидан фойдаланиш бўйича аҳолини муҳофаза қилишни таъминлаш, ишлаб чиқариш объектларини, омборхоналарни, базаларни жойлаштириш учун;

е) харбий вақтларда сув тармоғи, канализация, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти тизимлари фаолиятини таъминлаш бўйича;

ж) ёнғинга қарши тадбирлар бўйича;

з) тез алангаланувчи, кучли таъсир қилувчи захарли моддаларни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарини жойлаштириш бўйича.

3.5. 3.4 қисмда келтирилганлардан ташқари, тоифалаштирилган шаҳар бош режаси ФМ МТТ бўлимининг тушунтириш хати қуйидаги асосномаларни ўзида акс эттириш лозим:

а) илмий-ишлаб чиқариш ходимларни ва шаҳарнинг ишлаб чиқариш мажмуасини барқарор фаолиятини ҳимоясини таъминлаш;

б) харбий вақтларда йўл-транспорт тармоғини фаолиятини таъминлайдиган кўзда тутилган айланма ва бирлаштирувчи темир-йўл ва автомобил йўллари, кўприклар ва йўл утказгичларга ёрдамчи йўллар ҳамда шаҳар ҳудудидаги бошқа транспорт-муҳандислик қурилмалари.

3.6. Вайрон бўлиши мумкин бўлмаган зоналарда жойлашган тоифалаштирилмаган шаҳарлар ва бошқа тураржой пунктлар бош режаси ФМ МТТ бўлимининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан биргаликдаги тушунтириш хати лойиҳаланатган фуқаро муҳофазасида муҳандислик-техник тадбирларга асосномага эга бўлиши лозим:

а) шаҳарга, тураржой пунктларига эвакуация қилинган, тарқатилган аҳоли сони;

б) вайрон бўлиши мумкин бўлган зоналарда жойлашган объектларда ишчи сменада энг кўп банд бўлганларни транспорт алоқаси билан таъминлаш;

в) аҳоли пунктларида эвакуация тадбирлари натижасида келиб қолган аҳолини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ҳимоялаш учун ҳимоя иншоотларининг зарурий сиғимларини ҳисоблаш;

г) аҳоли пунктларида ва шаҳарларда эвакуация тадбирлари натижасида келиб қолган аҳолини ҳисобга олган ҳолда аҳолига тиббий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғи;

д) эвакуация тадбирлари натижасида келиб қолган аҳолини ҳисобга олган ҳолда харбий вақтларда сув тармоғи, канализация, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти тизимлари фаолиятини таъминлаш бўйича тадбирлар.

4. ШАҲАР (ТУМАН) САНОАТ ЗОНАСИНИНГ ЛОЙИҲАВИЙ РЕЖАСИ

4.1. Шаҳар (туман) саноат зонасининг лойиҳавий режасининг ФМ МТТ бўлими – асосий ҳужжат

бўлиб, унда саноат зонаси худудидан рационал фойдаланиш, «сарик чизик» режасини ажратиб кўрсатган ҳолда функционал зоналаштириш, ишлаб чиқаришда қатнашадиган ходимларни муҳофазалаш учун ҳимоя иншоотларини жойлаштириш тизими, авария-қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш учун, транспорт-муҳандислик тизимлари ва саноат зонаси қурилмаларининг барқарорлигини ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш учун фуқаро муҳофазаси бўлинмаларини киритиш йўналишлари.

4.2. Шаҳар (туман) саноат зонасининг лойиҳавий режасининг ФМ МТТ бўлими бош режасининг тарҳи 1:10000-1:5000 миқёсда бўлган шаҳарлар учун ишлаб чиқилиб, тушунтириш хати ва чизма материаллардан иборат бўлиши лозим.

Чизма материаллар таркибига қуйидагилар кириши керак:

- шаҳар режасида саноат зонаси (тумани)нинг 1:25000-1:10000 миқёсдаги схемаси; саноат туманининг ҳимоя иншоотлари ва асосий муҳандислик-транспорт тармоқларини 1:2000-1:5000 миқёсдаги жойлашиш схемаларини ўз ичига олган лойиҳалаш ва қуриш лойиҳавий режаси.

4.3. Шаҳар режасидаги саноат зонасининг жойлаштириш схемасида қуйидагилар кўрсатилиш керак: лойиҳаланаётган туманни асосий шаҳарнинг таркибий элементига нисбатан ҳолати, заҳирадаги худудларни ҳисобга олган ҳолда саноат туманининг чегаралари; ишчи ва хизматчилар йиғиладиган туманларни жойлашиши; сув, энергия, газ ва ҳ.к. таъминоти ташқи алоқаларининг барқарор-

лигини таъминлаш; харбий вақтларда юк ва эвакуация хизматини таъминловчи шаҳарнинг ташқи транспорти; ФМ бўйича саноат корхоналарининг тоифалари, жумладан, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини ва кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар сақланадиган омборхоналар худудлари.

«Шаҳар (туман) саноат зонасини лойиҳалаш ва қуриш лойиҳавий режасининг ФМ МТТ бўлими» чизмасида қуйидагилар кўрсатилиши керак: вайронгарчиликлар тарқаладиган зоналар - «сарик чизик режаси»; сиғими кўрсатилган ҳолда мавжуд ва лойиҳаланаётган ҳимоя иншоотлари; барқарор фаолиятдаги магистралларга чиқишни таъминловчи эвакуация чиқиш йўллари; магистрал муҳандислик тармоқларининг трассалари; саноат темир-йўл станциялари ва кириш йўллари; транспорт кесишмалари, йўл утказгичлар, бекатлар, гаражлар, бандаргоҳлар, автохўжаликлар.

4.4. Техник-иқтисодий кўрсаткичларни ўзида акс эттирган шаҳар (туман) саноат зонасининг лойиҳавий режасининг ФМ МТТ бўлими қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- бўлимни ишлаб чиқишда асос бўлган асосий бирламчи хужжатлар ва материаллар руйхати, ишлаб чиқариш ходимларининг асосланган ва бир сменада ишлайдиган сони;

- шаҳар (аҳоли пункти) фаолияти барқарорлигини оширишнинг умумий жиҳатлари, аҳолини тўпланиш ва эвакуация қилиш зоналарини жойлаштириш; шаҳарнинг бош режасида ФМ МТТ бўлимининг асосий ечими, хусусан, ишлаб

чиқариш ва коммунал-омборхона зоналари фаолиятининг барқарорлигини ошириш;

- фаолиятни, аҳолини тўплаш ва эвакуация қилиш барқарорлигини оширишни таъминлашнинг ташқи алоқаларини ривожлантириш бўйича таклифларни асослаш;

- харбий вақтларда фаолиятини давом эттирувчи корхоналарни фуқаро муҳофазаси бўйича тавсилотлари ва барқарорлигини ошириш хусусиятлари ҳамда саноат зона (туман)ларининг барқарорлигини ошириш вариантларини таҳлил қилиш ва асослаш;

- саноат зонаси (тумани) ни ҳудудини функционал зоналаштириш бўйича таклифларни асослаш; меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими, шаҳар (туман) саноат зонасида ҳимоя иншоотларининг умумий тизими билан боғлиқ бўлган жамоат марказларини ташкил этиш ва жойлаштириш; саноат темир-йўллари ва автомобил йўллари фаолиятини, муҳандислик таъминоти объектларининг янги қурилишлари барқарорлигини ошириш бўйича таклифлар; сув тармоғи, канализация, электр-, газ-, иссиқлик тармоқлари барқарорлигини ошириш бўйича таклифлар; ишлаб чиқаришнинг алоҳидаги объектларини шаҳар ташқарисига чиқариш, саноат бинолари ва иншоотларининг асосий ишлаб чиқариш фондига боғлиқ бўлган, мумкин бўлган вайронгарчилик зоналари, саноат зоналари фаолиятининг барқарорлиги тизими аҳамияти бўйича таклифлар;

- мавжуд ва янги лойиҳаланаётган ёрдамчи хўжалик объ-

ектлари (гаражлар, қурилиш индустрияси корхоналари, турли базалар, омборхоналар ва ҳ.к.) фаолияти барқарорлигини ошириш бўйича таклифлар; тоғ-кон иншоотларидан аҳолини, ишлаб чиқариш ходимларини ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш объектларини, омборхона ва базаларни жойлаштириш учун фойдаланиш; шаҳар (туман) саноат зонасини юқоридан муҳофаза қилишда; харбий вақтларда фойдаланиш мумкин бўлган, қуввати ва қурилиш базалари кўрсатилган ҳолда авария-тиклаш ишлари бўйича, биринчи навбатда тулиқ ёки қисман қайта тикланиши лозим бўлган объектларни аниқлаш бўйича таклифлар.

5. БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШ ЛОЙИҲАСИ

5.1. Батафсил режалаш лойиҳасининг ФМ МТТ бўлими куйидаги мақсадларни мўлжаллайди: аҳолини муҳофаза қилувчи ҳимоя иншоотларини жойлаштириш; йиғув-эвакуация пунктларини жойлаштириш, аҳолини эвакуация қилиш йўналишларини аниқлаш ва қутқарув ҳамда кечиктириб бўлмайдиган авария-тиклов ишларини ўтказиш учун ФМ бўлинмаларини киритиш.

Эслатма. Ҳимоя иншоотларининг жойлашув схемаси шаҳар бош режасининг ФВ МТТ бўлими таркибида ишлаб чиқилади. Батафсил режалаш лойиҳасининг ФМ МТТ бўлими эса бу тадбирларни юқори аниқликда қисмларга ажратиб кўрсатади.

5.2. Батафсил режалаш лойиҳаси (БРЛ)нинг ФМ МТТ бўли-

мининг чизма материалларига қуйидагилар киради:

а) БРЛ таркибида шаҳар режасидаги лойиҳаланаётган туманнинг жойлашиш схемаси 1:10000 - 1:5000 миқёсда.

б) иншоотнинг қаватлар сони ва вайроналар тарқалиш зонаси – «сарик чизик» режаси, сифими ва заҳира чиқиш йўлаклари, хизмат қилиш радиуси кўрсатилган ҳолдаги ҳимоя иншоотлари; йиғув-эвакуация пунктлари ва аҳолини эвакуация қилиш йўналишлари; ёнғинга қарши сув ҳавзалари ва сув сақлаш сифимлари, муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари, аҳолини оғохлантириш мосламаларини ўрнатиш лойиҳавий режалари 1:2000 миқёсда.

5.3. Батафсил режалаш лойиҳаси ФМ МТТ бўлимининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан биргаликдаги тушунтириш хати таркибида лойиҳаланаётган фуқаро муҳофазасида муҳандислик-техник тадбирлар асосномалар бўлиши керак, жумладан:

а) белгиланган муддат ичида тураржой ва жамоат бинолари ичидан аҳолини эвакуация қилишни таъминлаш;

б) лойиҳаланаётган туманда аҳолини муҳофаза қилиш учун ҳимоя иншоотлари ва панагоҳлар сифими ва уларни жойлаштиришнинг зарурий ҳисоблари;

в) йиғув-эвакуация пунктларини жойлаштириш ва аҳолини эвакуация қилиш йўналишини аниқлаш;

г) бино ва иншоотлар вайрон бўлган ҳолатда фуқаро муҳофазаси қисм ва бўлинмалари ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда

магистрал ва тураржой кўчалари, ички қатнов қисмларининг лойиҳавий кенглиги;

д) сув таъминоти, канализация, энергия-, газ-, ва иссиқлик таъминоти тизимларининг фаолияти;

е) ёнғинни ўчириш бўйича тадбирлар;

ж) йирик ер ости иншоотларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш бўйича таклифлар (метрополитен бекатлари ва тоннеллари, гаражлар, жамоат биноларининг ертўлалари ва ҳ.к.) ва қўшимча ҳимоя иншоотлари ёки панагоҳлар ва уларга бориш учун қулай йўллар;

з) бирламчи фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари.

6. МИКРОРАЙОН, КВАРТАЛ, ТУРАРЖОЙ МАЖМУАСИ ЁКИ БИНОЛАР ГУРУҲЛАРИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИ

6.1. Микрорайон, квартал, тураржой мажмуаси ёки бинолар гуруҳлари ва иншоотлар ёки алоҳидаги фуқаро-тураржой қурилиши объектларини қуриш лойиҳасига ФМ МТТ бўлими, одатда, капитал маблағ буюртмачисининг титули бўйича, лойиҳа ишининг олдинги босқичларида қурилиш эскизи ва муҳандислик тармоқларининг схемалари тасдиқланган тадбирларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, архитектура бошқармалари ва ФВВ (ФВБ) штаблари билан келишилиши лозим.

6.2. Микрорайон, квартал, жамоат бино в иншоотлари мажмуи ёки гуруҳлари қурилишининг ҳисобий нархи келтирилган якуний

сметага эга бўлган лойиҳасига МТТ куйидагиларни ўз ичига олади:

- вайрон бўлиш зоналари ва вайрон бўлмайдиган зоналарни кўрсатган ҳолда, қурилишнинг бош режаси асосида бажарилган, 1:1000 ёки 1:500 миқёсда «сарик чизик» режаси ва ҳимоя иншоотларининг, йиғиш-эвакуация пунктларининг жойлашиш схемалари;

- ҳимоя иншоотларининг жойлашиши ва улардан чиқишнинг заҳира йўлаклари;

- ҳимоя иншоотларига аҳолини йиғиш зонаси, эвакуация оқими ҳаракатининг, микрорайон ичида кутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган авария-тиклаш ишларини ўтказиш учун ФМ кучларини киритиш асосий йўналишлари;

- магистрал кўча ва йўлларга чиқиш йўллари;

- аҳолини ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган ер ости гаражлар; пиёдалар йўлаклари, қатнов қисмлари ва автомобилларни сақлаш майдонлари; сув ҳавзалари, ботқоқликлар, бассейнлар;

- муҳандислик тармоқлари фаолиятининг ишончлилигини таъминловчи, жойлашган ўрни ажратиб 1:1000 ёки 1:500 миқёсда кўрсатилган муҳандислик тармоқлари ва иншоотларининг режаси;

- микрорайон ёки квартал жойлашган шаҳар ёки тураржой тумани ҳақида маълумотга эга бўлган тушунтириш хати;

- қаралаётган микрорайон ёки кварталнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва лойиҳавий ечими ҳақида қисқача тафсилот;

- асосий техник-иқтисодий кўрсаткич;

- мазкур бўлимни ишлаб чиқишда асос бўлган ҳужжатлар руйхати келтирилиб (ушбу ҳужжатлар нусхалари иловада келтирилади), лойиҳани ишлаш жараёнида фойдаланилган конструктив-меъёрий ҳужжатлар кўрсатилади.

6.3. ФМ МТТ бўлимида ФМ штаби топшириғига мос равишда қаралаётган микрорайонда, кварталда ҳимоя иншоотларининг синфи кўрсатилади. Ҳимоя иншоотларининг талаб қилинадиган сиғимларини ҳисоблаш учун ФМ штаби томонидан ҳимояга муҳтож аҳоли сони ҳақида маълумот беради ёки одатда, ҳимоя иншоотларининг типик лойиҳаси қабул қилинади. Ҳимоя иншоотларининг типик лойиҳаси бўлмаган ҳолларда ёки мавжуд шароит учун буюртмачининг талаблари асосида ФВВ нинг маҳаллий бўлинмалари билан келишиш бўйича уни қуллашнинг иложи бўлмаган ҳолатда объектнинг мураккаблигидан келиб чиқиб ертўла (цокол) қаватининг тинчлик ва ҳарбий вақтларда аҳолига хизмат кўрсатишига мослаштириш ҳарajatларини инобатга олган ҳолдаги чизмаси ишлаб чиқилади.

**7. ФУҚАРО
МУҲОФАЗАСИНИНГ
МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК
ТАДБИРЛАРИ ҚИСМИ БЎЙИЧА
ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ
КЕЛИШИШ ВА ТАСДИҚЛАШ**

7.1. ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатлари буюртмачи билан келишилгандан сўнг тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга, ҳамда давлат экспертизасига тақдим қилинади. ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатлари тегишли ташкилотлар билан келишиш учун ушбу қисмни ишлаб чиққан ташкилотга, давлат экспертизасини ўтказиш учун эса - буюртмачига тақдим этилади.

7.2. Келишилган ҳужжатларнинг тўлиқлигига ФМ МТТ қисмини ишлаб чиққан ташкилот ва уни тасдиққа тақдим этган идоралар масъулдир.

7.3. ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатларини маъқулловчи Вазирликлар, идоралар ва уларга тегишли ташкилотлар бир ой муддат ичида ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан тақдим этилган лойиҳани кўриб чиқадилар ва лойиҳа бўйича ёзма ва чизма шаклда ечим таклиф қилади.

Агарда тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан лойиҳа ечими бўйича ўзларининг баённома-ларини берсалар, ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатлари маъқулланган ҳисобланади. Агарда, маъқулловчи ташкилотлар бир ой муддат ичида лойиҳа бўйича ҳеч қандай баённома тақдим этишмаса, ёки лойиҳани кўриб чиқиш муддатини узайтириш бўйича келишилмаса, бундай ҳолатда ФМ МТТ қисми бўйича

лойиҳа ҳужжатлари маъқулланган ҳисобланади.

7.4. ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатларини тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши жараёнида унга ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан лойиҳани тасдиққа тақдим этилгунга қадар киритилади.

ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатларини тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши жараёнида турли келишмовчиликлар вужудга келганда, зарурий ўзгаришлар ва қўшимчаларни лойиҳани тасдиққа тақдим этувчи ташкилот аниқлайди.

ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатлари фақат тасдиқлангандан кейингина тугалланган ҳисобланади.

7.5. Тасдиқланган ФМ МТТ қисми бўйича лойиҳа ҳужжатларига ўзгаришлар фақатгина лойиҳани тасдиқлаган орган қарори билан рухсат этилади.

**ҚОРАҚОЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР
ХУДУДЛАРИНИНГ РЕЖАВИЙ
СХЕМАСИ, ТУМАННИ (ТУМАН
ГУРУҲЛАРИНИНГ) РЕЖАЛАШ
ЛОЙИҲАСИ**

7.6. Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларининг ФМ МТТ қисмининг схемаси Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар вазирликлар кенгашининг тақдимоти бўйича Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш қумитаси томонидан қуйидагилардан:

- буюртмачи билан ва лойиҳа топшириғида руйхати аниқланган

тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишилгандан сўнг;

- Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси бўйруғига асосан ташкил этилган махсус эксперт гуруҳидан ўтгандан сўнг тасдиқланади.

7.7. Туман (туман гуруҳлари) нинг ФМ МТТ қисми Қорақолпоғистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси, архитектура ва қурилиш бош бошқармаси тақдимотига асосан Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси томонидан қуйидагилардан:

- буюртмачи билан ва лойиҳа топшириғида руйхати аниқланган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишилгандан сўнг;

- Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси бўйруғига асосан ташкил этилган махсус эксперт гуруҳидан ўтгандан сўнг тасдиқланади.

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАЛАРИ, РЕЖАЛАШ ВА ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

7.8. Тошкент, Нукус, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Зарафшон, Чирчиқ, Толимаржон, Қувасой, бундан ташқари аҳолиси 50,0 мингдан ортиқ бўлган шаҳар тураржой пунктлари бош режаларининг ФМ МТТ қисми Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари, Қорақолпоғистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси тақдими бўйича Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш

кумитаси томонидан қуйидагилардан:

- буюртмачи билан ва лойиҳа топшириғида руйхати аниқланган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишилгандан сўнг;

- Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси бўйруғига асосан ташкил этилган махсус эксперт гуруҳидан ўтгандан сўнг тасдиқланади.

7.9. Аҳолиси 50,0 мингдан кам бўлган шаҳар тураржой пунктлари бош режаларининг ФМ МТТ қисми Қорақолпоғистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси ва вилоят хокимликлари тақдими бўйича Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш кумитаси томонидан қуйидагилардан:

- буюртмачи билан ва лойиҳа топшириғида руйхати аниқланган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишилгандан сўнг;

- ҳудудий экспертиза бошқармалари томонидан экспертизадан ўтгандан сўнг тасдиқланади.

7.10. Қишлоқ тураржой пунктларининг ФМ МТТ қисми туман хокимликлари ва вилоятларнинг архитектура-қурилиш бош бошқармаси тақдимотига асосан Қорақолпоғистон Республикаси вазирликлар кенгашининг ва вилоятлар хокимликлари томонидан қуйидагилардан:

- буюртмачи билан ва лойиҳа топшириғида руйхати аниқланган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан келишилгандан сўнг;

- ҳудудий экспертиза бошқармалари томонидан экспертизадан ўтгандан сўнг тасдиқланади.

7.11. Аҳоли пунктларининг ФМ МТТ қисми, агарда тасдиқланган ташкилоти лойиҳани ишлашда қатнашмаган бўлса, айнан ҳудуд режаси лойиҳасининг тасдиқланган қарори билан лойиҳага қўйилган топшириқларнинг мослигини тасдиқланган ташкилоти билан келишилади.

7.12. Шаҳар саноат зона (туман)ларининг, микрорайон, кварталларнинг, тураржой мажмуалари

ёки гуруҳларининг, қисмларга ажратилган режаси ва қурилиш лойиҳаларининг ФМ МТТ қисми Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш қўмитаси буйруғига асосан ташкил этилган давлат экспертизаси ўтказилгандан сўнг ҳамда буюртмачи билан ва лойиҳа топшириғида руйхати аниқланган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқланади.

ИЛОВА
(Мажбурий)

БУЮРТМАЧИ ТОМОНИДАН ҚОРАҚОЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ,
ВИЛОЯТЛАР ХУДУДЛАРИНИНГ, ТУМАННИ РЕЖАЛАШТИРИШ
ЛОЙИХАСИДА, ШАҲАРНИНГ, ШАҲАР ПОСЕЛКАЛАРИНИНГ ВА
ҚИШЛОҚ ТУРАРЖОЙЛАРИНИНГ, ШАҲАР САНОАТ ЗОНА
(ТУМАН)ЛАРИНИНГ, МИКРОРАЙОН, КВАРТАЛЛАРНИНГ, ТУРАРЖОЙ
МАЖМУАЛАРИ ЁКИ ГУРУҲЛАРИНИНГ, БАТАФСИЛ РЕЖАСИ ВА
ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ РЕЖАЛАШ СХЕМАЛАРИДАГИ МАХСУС
ҚИСМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ТОПШИРИҚ
ШАКЛЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР РҲЙХАТИ

ФМ 1- шакл
«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Вилоят (туман) _____ хоками

« _____ » _____ 200__ й.

Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларининг режалаш схемаларини, туман (туманлар гуруҳи)нинг режалаш лойиҳасини бажаришда фавқулодда вазиятларда муҳандислик-техник тадбирларининг махсус қисмини ишлаб чиқиш учун

ТОПШИРИҚ

(Лойиҳа ташкилотининг номи)

(вилоят, туман номи)

Топшириқ қисмининг номи	Топшириқ қисмининг мазмуни
<p>1. Топшириқ бериш учун асос</p> <p>2. Лойиҳа учун дастлабки маълумотлар:</p> <p>а) Аввал бажарилган ишлар (илмий-тадқиқот, лойиҳавий ва ҳ.к.), лойиҳа учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар;</p> <p>б) Вилоятлар учун фуқаро муҳофазасининг асосий тамоиллари, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фуқаро муҳофазаси бўйича гуруҳга тегишли бўлган, аҳолисининг лойиҳавий сони, минг киши; - фуқаро муҳофазаси бўйича гуруҳга тегишли бўлган алоҳидаги объектлар ва корхоналар, ишлаб-чиқаришда қатнашувчи ходимлар сони, жумладан, битта сменада ишлайдиган энг кўп ходимлар сони; 	<p>Буюртма-хатга, зарур бўлганда бошқа расмий ҳужжат-ларга асосланиш</p> <p>Нашр йиллари кўрсатилган ҳолда, бажарилган ишларнинг руйхати (тасдиқланиш муддати), ишлаб чиққан корхонанинг ёки нашриётнинг номи, қайд этилган манбалардан фойдаланиш шартлари</p>

- бўзилиш эҳтимоли бўлган, ҳалокатли сув босиш, юқори радиоактив нурланиш, сел тарқалиши, кўчки ва карстли худудларнинг чегаралари;

- тоғ-кон ишлари бажариладиган, объектларни, ишлаб чиқаришни, омборхона ва базаларни жойлаштиришга яроқли бўлган худудлар;

- тоифалаштирилган шаҳарларда ёнилғи-мойлаш ашёлари базалари ва омборхоналарини, савдо-сотик, материал-техник ва бошқа заҳира базалари, омборхоналарни, тақсимлаш музлатгичлари ва махсус савдо мажмуаларининг базаларини,

тарқатилган, эвакуация қилинган шаҳарлар ва туман тураржой пунктларидаги қайта тиклаш давридаги омборхоналар ва базаларни жойлаштириш;

- бўзилиши эҳтимоли бўлган, ҳалокатли сув босиши, юқори даражадаги радиоактив ифлосланган зоналарда қурилишларни чеклаш;

в) республика, вилоятлар худудларида жойлашган ва жойлашадиган халқ хўжалиги тармоқлари фуқаро муҳофазаси режасининг асосий тамоиллари;

г) саноат ва қишлоқ хўжалиги:

- халқ хўжалиги тармоқлари ривожланишини чеклаш;

- цехларнинг, заводларнинг ва саноат корхоналарининг филиаллари;

- туманни устивор фаолиятини оширишни таъминловчи саноат тугунларини шакллантириш;

- маҳаллий аҳамиятдаги ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш;

- янги саноат объектлари ва корхоналарини жойлаштириш;

- харбий вақтларда қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш зоналари ва туманларининг тармоқлари;

- илмий муассасалар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоқларини жойлаштириш;

д) аҳоли жойлашиши:

- аҳоли жойлашиш тизимининг шаклланишига, тураржой гуруҳлари тизимини тарқатиш, эвакуация қилишга қуйиладиган талаблар;

- тоифалаштирилган шаҳарлар ва объектларнинг бўзилиш эҳтимоли бўлган зоналарини ташкил этувчи тураржой гуруҳлари тизимига қуйиладиган талаблар;

- туманни устивор тарзда фаолияти учун иқтисодий истиқболли кичик ва ўрта шаҳарлар, марказларга қуйиладиган талаблар;

- қишлоқ тураржойларига қуйиладиган талаблар;

- дам олиш масканлари ва уларга қуйиладиган талаблар;

- биринчи навбатда ва ҳисобий муддатда шаҳар атрофига жойлаштириш учун тарқатиладиган, эвакуация қилинадиган аҳоли сони;

е) ҳудудни режавий ташкил этиш:

